


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 25 декабрь, № 267-268 (8890-8891) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Россия Федерациясига келди.**

«Пулково» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Санкт-Петербург губернатори Александр Беглов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Сўнг давлатимиз раҳбари губернатор ҳамроҳлигида Исаакий майдонида пиёда сайр қилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси 25-26 декабрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи мақомида иштирок этади.

## ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Давлатимиз раҳбарига мактабгача ва мактаб таълими тизимида 2025 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар бўйича ахборот берилди.**

Шахс тарбиясининг пойдевори бўлган бу бўғинларга давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳудудларда янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, мутахассислар салоҳияти оширилмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмалари замон талабларига мослаб янгиланяпти.

Мактабгача таълим тизими илғор хорижий тажрибалар асосида янгича ривожланиш босқичига қадам қўйди. Сўнгги йилларда болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб 38 мингтага, қамров эса 27 фоиздан 76 фоизга етди.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Охирги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабларда, бу йил 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ёшларга иккинчи хорижий тил ва касб ўргатиш кенгайтирилди. Илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим йўлга қўйилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазири навбатдаги режалар юзасидан ахборот берди.

Қайд этилганидек, келгуси ўқув йилида 100 дан зиёд мактаблар ташкил этилиб, 257 минг ўқувчи ўрни очилади. Давлат таълим дастури халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилади.

Иккинчи хорижий тил ўқитиладиган мактаблар 420 тага, касб-ҳунар ўргатиладиганлари 400 тага етказилади.

Дунёдаги илғор тажрибалар, янги услублар амалиётга киритилмоқда. Жумладан, бу йил 1 минг 500 та умумтаълим мактабида янги баҳолаш тизими жорий қилинди. Натижалар таҳлилидан келиб чиқиб бу тажриба яна кенгайтирилади.

Ўқитувчиларга малака тоифасини беришда ҳам рақамлаштирилган тизимга ўтилган. Энди тоифасини оширган педагоглар рағбатлантирилади, уларга тўплаган балига қараб 70 фоизгача устама берилади.

Давлатимиз раҳбари малака синовлари тартибини такомиллаштириш, соғлом рақобат муҳитини яратиб, барча педагогларга тенг имконият бериш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда кейинги йилдан ҳудудлардаги малака ошириш марказларида ўқув жараёнлари ўзгартирилади. Бунда ҳар бир ўқитувчининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, табақалашган малака ошириш тизими жорий қилинади. Малака синовидан ўта олмаганлар алоҳида дастур асосида қўшимча ўқитилади. Вилоятлардаги 5 та Педагогик маҳорат маркази замонавий шароитда иш бошлайди. Барча марказлар ситуацион ўқув техникалари ва виртуал лаборатория билан жиҳозланади.

Таълим ташкилотларига малакали раҳбарларни жалб этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида, қўшимча манбалар ҳисобидан, мактаб ва боғчалар директорлари ҳамда уларнинг ўринбосарларини моддий рағбатлантириш таклифи билдирилди.

Таълим билан тарбия узвий олиб борилади. Ўзбекистон Президентининг шу йил 15 ноябрдаги қарорига мувофиқ ўқувчиларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимига эътибор кучайди.

Юқори синфларда ҳарбий ватанпарварлик дарслари бир соатга кўпайтирилди. Ушбу йўналиш ўқитувчилари нуфузини ошириш учун уларга ҳарбий унвон бериш тартиби белгиланди.

Келгуси ўқув йилигача бу фан бўйича янги дарсликлар ишлаб чиқилади, касбий салоҳияти юқори ўқитувчилар ишга жалб этилади. Мудофаа вазирлиги билан бирга 208 та таълим масканида "Жасорат мактаблари" ташкил этилади. Бу мактабларга тарбияси оғир ўқувчилар ҳам қамраб олинади.

Жорий йил 30 сентябрь куни соҳага доир яна бир муҳим ҳужжат — мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича Президент Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ 2025 йилдан бошлаб мактабгача таълим ташкилотининг директори ўринбосари лавозими жорий этилади. "Методик маҳорат соати", "Методик маҳорат куни" каби малака ошириш шакллари ташкил қилинади.

Кейинги йил 162 та мактабгача таълим муассасаси қурилади, 100 та хусусий ва мингта оилавий боғча очилади. Булар орқали мактабгача таълим қамрови 78 фоизга етказилади. Мактабга тайёрлов гуруҳлари билан бошланғич синф ўқув дастурларининг узвийлиги оширилади.

Президентимиз соҳани барча ҳудудларда ривожлантириб, умумий таълим сифатини ошириш, бунда, айниқса, чекка туманларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича кўрсатмалар берди.

## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА РЕЖАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни таваллуд куни билан самимий муборакбод этди.**

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисининг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳудудий яхлитлигини тиклаш, барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқаро нуфузини юксалтиришдаги тарихий ролини алоҳида таъкидлади.

Президентлар олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Жорий Икки томонлама ҳамкорликни жадал ривожлантириш йилида биргаликда қилинган ишлар самарали бўлгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми юқори суръатда ўсиб бормоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари фаол босқичда. Маданий-гуманитар алмашинувнинг тадбирларга бой дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

## ТИББИЁТНИ ХАЛҚИМИЗГА ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида соғлиқни сақлаш соҳасида қилинган ишлар ва 2025 йилга мўлжалланган устувор вазифалар кўриб чиқилди.**

Бу соҳадаги сифат ўзгаришлари шаҳардан то чекка ҳудудларгача, болажонлардан тортиб кексаларгача — ҳамманинг ҳаётида акс этади. Шу боис унга ажратилаётган бюджет маблағлари ҳар йили кўпайтириб борилмоқда. Барча ижтимоий хизматлар қатори тиббиёт ҳам халқимизга яқинлаштирилмоқда. Бирламчи бўғинда 18 мингдан зиёд тиббий бригадалар ташкил қилинган.

Касалликларни аниқлаш ва даволаш амалиётига замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббий хизматда диагностика усуллари 500 дан, даволаш усуллари эса 800 дан ошди. Хусусий тиббиёт ривожига кенг йўл очилгани туфайли хизматлар тармоғи ва танлаш имконияти кўпайди.

2024 йилда соҳага 36 триллион сўм ажратилган эди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 25 фоиз кўпдир.

Бирламчи бўғинда 6 турдаги скрининг текшируви йўлга қўйилди. Натижада 106 минг кишида қандли диабет, 194 минг нафарида юрак-қон томир, 2 мингдан зиёд аёлларда саратон, мингга яқин болаларда онкогематологик касаллик эрта босқичда аниқланди.

Даволаш сифати ва самарадорлиги алоҳида эътибор талаб қилади. Шу мақсадда 2 мингдан зиёд мутахассислар хорижда қайта ўқитилди. Натижада ҳудудлардаги юқори технологик операциялар улуши 61 фоизга етди. 43 та йўналишдаги 191 та клиник протокол халқаро андозалар асосида янгиланди.

Ихтисослаштирилган марказлар ва филиалларда бу йил 100 минг бемор имтиёзли йўлланма асосида даволанди. 7 та ихтисослаштирилган марказ сифат назорати бўйича халқаро аккредитациядан ўтди.

2025 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 41 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бу маблағ ҳисобидан янги шифохоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш, мавжуд қувватларни кенгайтириш, тиббий кўрик қамровини кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги асосий вазифа — бирламчи бўғинда тиббиёт сифатини ошириш эканини таъкидлади. Бунинг учун вазирлик вертикалини ҳудудларда тўғри ишлатиш, айниқса, чекка ва оғир туманларга эътиборни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Туркиялик экспертлар 6 та ҳудудда тиббиёт муассасалари фаолияти ва уларда кўрсатилаётган тиббий хизматларни ўрганди. Ўрганишлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария хизматларини тизимли ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Мутасаддиларга бу масалани чуқур таҳлил қилиб, бирламчи бўғин трансформацияси бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш топширилди.

Ушбу йўналиш ходимларининг малака ошириш дастури такомиллаштирилади. Назарий билим ва кўникмаларни эгаллашдан компетенцияларни ривожлантиришга босқичма-босқич ўтилади.

Шунингдек, келгуси йил тиббиёт ходимларининг ойлик лавозим маошлари оширилади. Оилавий шифокорларнинг меҳнат самарадорлиги асосида устама тўлаш тартиби жорий қилинади.

Ҳудудларга бўлаётган эътибор изчил давом эттирилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида давлат тиббий суғуртаси амалиётлари жорий этилади. Марказлашган лаборатория хизматлари кенгайтирилади. "Харидлар маркази" ва унинг 13 та ҳудудий филиали ташкил этилиб, тиббий жиҳозлардан фойдаланиш электрон тизим орқали назорат қилинади.

Яна 35 та йўналишда 400 та миллий клиник протокол ишлаб чиқилади. 7 та ихтисослаштирилган марказ ва 2 та олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, тиббий ўқув юртларида таълим сифатини ошириш, унинг амалиёт билан ҳамоҳанглигини мустаҳкамлаш, битирувчиларнинг бирламчи бўғинда тажриба орттиришини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 3 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш**

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган бюджет маблағларидан фақат 2025 молия йили давомида фойдаланилади ва улар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан иқтисод қилинган маблағлар доирасида бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) қарорига асосан республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг 10 фоизгача бўлган чекланган миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларга йўналтиришга ҳақли.

Вазирликлар ва идоралар ички аудит хизматлари томонидан баҳоланган тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган гендерга доир маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий ва давлат дастурларини, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга чет эл манбаларидан (чет давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотларидан) ажратиладиган грант маблағларининг (бундан миқдорлари ва тармоқларини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мустақил равишда аниқлаш шартлари (имкониятлари) билан ажратиладиган грант маблағлари мустасно) белгиланган миқдорлари ушбу Қонунга ўзгартириш киритилмасдан кўпайтирилади.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 3 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, шу жумладан аҳолининг ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спортни ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга амалга оширилаётган тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш ва қўшимча харажатлар манбаларини аниқлаш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига айрим тоифадаги беморларга дори воситаларини бепул тақдим этиш, маданият ва санъатни ривожлантириш, Миллий футбол марказини ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, замонавий конструкторлик ҳамда синов бюроларига эга бўлган, жадал ривожланишни таъминлайдиган инновацион саноат зоналарини барпо этиш, шунингдек инновацион ва юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун маблағлар ажратилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми, Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати асосида олинадиган давлат қарзининг чекланган ҳажми оширилмоқда, Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертлар миқдорлари, ушбу жамғармаларнинг даромадлари ҳамда харажатлари ўзгартирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда топшириқларига мувофиқ маблағларнинг бир қисмини мақбуллаштириш ва уларни қўшимча харажатларга йўналтириш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришга, шунингдек 2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағларининг мақсадли ҳамда самарали сарфланишини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрда қабул қилинган **«2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»**ги ЎРҚ–886-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 12, 1006-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «900,0» рақами «1 424,8» рақами билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 7,3 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 3,2 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 4,1 млрд АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

**(Давоми 3, 4, 5, 6-бетларда).**

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек ривожлантириш дастури мақсадли индикаторларининг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини эшитишни амалга оширади.

## 2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари

### 3-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари

2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2026–2027 йиллар учун бюджет мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилган 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2026–2027 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

### 4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2025 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### 5-модда. Республика бюджетининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2025 йил учун республика бюджетининг даромадлари прогнози 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2025 йил учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти органлари ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

### 6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

2025 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2025 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

### 7-модда. Айрим тўловлар ставкалари

2025 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага мувофиқ (солиқ солиш мақсадида);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага мувофиқ;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг ставкалари 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

### 8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш

2025 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 1,0 трлн. сўм миқдорида белгилансин.

2025 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга доир маблағлари мустасно) камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади. Бунда давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари ушбу механизмлар жорий этилган йилдан олдинги йилдаги ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади ҳамда қўшимча маблағларни шакллантириш тегишли юқори турувчи бюджетларнинг захира жамғармалари маблағларини камайтириш ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини, вилоятларнинг вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этиш чоғида юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдорлари ошган тақдирда, тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритилмайди.

### 9-модда. 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси якунлари бўйича даромадлари прогнози бажарилмаган ва жорий молия йилининг охирига қадар уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан ортиқ миқдордаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 ва ундан кам фоизи миқдордаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни камайтириш Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

### 10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинадиган давлат қарзининг ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг чекланган ҳажмини белгилаш

2025 йил учун:

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,5 млрд. АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 3,0 млрд. АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 2,5 млрд. АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 30,0 трлн. сўм;

давлат томонидан мажбуриятлар қабул қилиниши (сотиб олиниши ёки тўланиши) ва давлат томонидан тасдиқловчи хатлар берилиши талаб этиладиган давлат-хусусий шериклик принциплари асосида имзоланадиган барча янги лойиҳалар қийматининг чекланган миқдори 6,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

### 11-модда. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдорини белгилаш

2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

## 3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 12-модда. 2025 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

айланмадан олинадиган солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

давлат активларини ижарага беришдан тушумлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган даромадлар турлари қўлланилганда, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари харажатларидан кўп бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари юқори турувчи бюджетларга ажратмаларни назарда тутиши мумкин.

Солиқларнинг қуйидаги турлари Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

тамаки маҳсулотлари (импорт орқали кирган маҳсулотлардан ташқари) учун акциз солиғи бўйича тушумлар, тегишинча ўтган молия йилининг 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигидан олинган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ. Бунда даромадлар бўйича прогнознинг бажарилмаган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади, даромадлар бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми эса республика бюджети ихтиёрида қолади.

Солиқлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушган тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 66 фоизи, Тошкент вилоятида 51 фоизи, Тошкент шаҳрида 12 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушган тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 70 фоизи, Тошкент вилоятида 49 фоизи, Тошкент шаҳрида 12 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво (импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотлари ва пиводан ташқари) учун ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган акциз солиғининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 30 фоизи ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда тақсимланадиган қуйидаги даромадлар республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

давлат божлари;

жарималар;

йиғимлар;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушумлар.

Қонунчиликда белгиланган тартибда давлат активларини сотишдан маҳаллий бюджетларга тушадиган тушумлар туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизи (бундан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ мустасно) туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари ушбу Қонун 8-иловасининг 1-бандида белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига нисбатан туманлар ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланиши даражасига қараб 2,0 гача оширувчи коэффициентни жорий этишга ҳақли. Бу ҳолда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан ушбу коэффициентдан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ер солиғини ҳисоб-китоб қилиш мақсадлари учун белгиланган зоналар кесимида фойдаланилади.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффициентларни жорий этишга ҳақли.

Агар қонунчиликда даромадларнинг бюджет даражалари бўйича тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари республика бюджетига ўтказилади;

маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушумларнинг суммаларини қайтариш уларни қайтариш санасида амалда бўлган ажратмалар нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса республика бюджетидан амалга оширилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2025 йилнинг 1 июлига қадар 2024 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2024 йилдаги ва 2025 йилдаги давлат улуши бўйича соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар учун дивидендлар тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли.

### 13-модда. 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Чораклар якунлари бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш бўйича чоралар кўриш билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан сўров билан мурожаат қилади ҳамда мазкур таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тегишли чоракдаги маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган бюджет даромадлари турларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлаштирилади ҳамда ушбу сумма бошқа даромад манбалари ёки республика бюджети ҳисобидан қопланади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шундай тартибда мурожаат қилади.

Қуйидагилар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари;

суд бошқарувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларига доир харажатлар;

Солиқ қўмитасининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

коллежлар ва техникумларни сақлаш харажатлари.

Қуйидагилар республика бюджетидан молиялаштирилади:

кам таъминланган оилаларга болалар нафақаларини ва моддий ёрдамни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотларини (болалар ва меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари) сақлаш харажатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим ҳамда ихтисослаштирилган мактаблари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга доир харажатлар;

Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини, шунингдек сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳудудий иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан шакллантирилган тарифлар нархларни тартибга солувчи органлар томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш якунларига кўра иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

### 14-модда. «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун жавобгарлик

«2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### 16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

### 17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 24 декабрь
№ ЎРҚ—1011

---

*"2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1 – 10-иловалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинади.*

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 30,0 трлн сўм миқдорида белгилансин»;

3) **13-модда олтинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **3-илованинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**2024 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда уларнинг харажатлари**

*млн сўм*

| Т/р | Кўрсаткичлар | 2024 йил учун прогноз |
|---|---|---|
| **I.** | **Жами – давлат мақсадли жамғармалари** | |
| | Йил бошига қолдиқ | 12 840 905,9 |
| | Даромадлар прогнози | 64 767 032,8 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 34 881 928,8 |
| | Харажатлар | 97 600 859,4 |
| | *шу жумладан:* | |
| | Давлат бюджетига трансфертлар | 10 300 000,0 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 14 889 008,1 |
| **1.** | **«Эл-юрт умиди» жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **48 072,4** |
| | **Даромадлар прогнози** | **20 000,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **500 000,0** |
| | **Харажатлар** | **560 800,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жамғарма стипендиатларининг хориждаги нуфузли таълим муассасаларида таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш | 550 800,0 |
| | Хорижлик олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш | 1 500,0 |
| | Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 6 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 2 500,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **7 272,4** |
| **2.** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **0,3** |
| | **Даромадлар прогнози** | |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **600 000,0** |
| | **Харажатлар** | **600 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш | 600 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **0,3** |
| **3.** | **Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **3 037 286,0** |
| | **Даромадлар прогнози** | **47 478 346,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ижтимоий солиқ тушумлари | 46 168 346,0 |
| | Бошқа даромадлар | 1 310 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **15 981 584,5** |
| | **Харажатлар** | **64 094 832,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Фуқароларга давлат пенсияларининг барча турлари учун тўловлар, шунингдек пенсия ва нафақаларни етказиб бериш харажатлари | 64 091 132,7 |
| | Бошқа харажатлар | 3 700,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **2 402 383,8** |
| **4.** | **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **12 622,5** |
| | **Даромадлар прогнози** | **187 137,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ижтимоий солиқ тушумлари | 135 600,0 |
| | Бошқа даромадлар | 51 537,7 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **264 236,4** |
| | **Харажатлар** | **463 874,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш | 291 874,1 |
| | Ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплаш | 20 000,0 |
| | Ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш | 62 100,0 |
| | Бандликка кўмаклашиш марказлари, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ҳудудий марказлари, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув марказларининг айрим бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш | 42 000,0 |
| | Ишга жойлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, вакансиялар ҳамда банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш соҳасида ахборот-коммуникация тизимлари ва технологияларини яратиш, ривожлантириш ва техник қўллаб-қувватлаш, шу жумладан дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва техник воситаларни харид қилиш | 10 000,0 |
| | Субсидиялар тўлаш | 29 300,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар | 5 600,0 |
| | Бошқа харажатлар | 3 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **122,4** |
| **5.** | **Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **166 651,9** |
| | **Даромадлар прогнози** | **102 338,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Лицензия битими доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборувчи ташкилотларнинг маблағларини захиралаш ҳисобидан тушумлар | 11 560,0 |
| | Рухсатнома (иш берувчига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) ва тасдиқнома (чет эл фуқаросига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) берилганлиги учун йиғимлардан тушум | 61 099,4 |
| | Бошқа даромадлар | 29 679,5 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **171 800,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш | 2 500,0 |
| | Меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳат олиши туфайли тиббий ёрдам талаб этилган фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш | 1 000,0 |
| | Меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида майиб бўлган ёки оғир тан жароҳати олган фуқароларни олиб келиш | 5 000,0 |
| | Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш бўйича суғурта суммасининг ўрнини қоплаш учун суғурта компанияларига бир йўла бериладиган субсидиялар бериш | 10 000,0 |
| | Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетаётган фуқароларни кетиш олдидан мослаштириш, касбга тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини республика ҳудудларида ташкил этиш ва жиҳозлаш | 12 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг хорижий ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш | 35 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар | 15 000,0 |
| | Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 1 500,0 |
| | Давлат бюджетига ўтказиладиган маблағлар | 69 800,0 |
| | Бошқа харажатлар | 20 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **97 190,8** |
| **6.** | **Жамоат ишлари жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **46 135,2** |
| | **Даромадлар прогнози** | **15 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар ижарасидан тушумлар | 7 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 8 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **140 000,0** |
| | **Харажатлар** | **190 938,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш | 156 803,2 |
| | Жамоат ишларида, шу жумладан ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилиш | 11 000,0 |
| | Жамоат ишларини бажариш учун махсус кийимлар ва хавфсизлик техникаси воситаларини харид қилиш | 4 500,0 |
| | Жамоат ишларини амалга оширишни ташкил этиш масалалари бўйича ахборот материалларини, кўргазмали ахборотни тайёрлаш, маълумотларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш | 200,0 |
| | Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 3 435,5 |
| | Бошқа харажатлар | 15 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **10 196,5** |
| **7.** | **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **21 426,2** |
| | **Даромадлар прогнози** | **457 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Тижорат банклари ва тадбиркорларга ажратилган ресурслар бўйича олинадиган фоизлар | 56 000,0 |
| | Олдинги йилларда ажратилган ресурсларнинг қайтиши | 400 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 1 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **135 000,0** |
| | **Харажатлар** | **613 426,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Субсидиялар бериш | 120 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 53 426,2 |
| | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан олинган ссуда ва жалб қилинган қарз маблағларини қайтариш учун харажатлар | 400 000,0 |
| | Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича тўланадиган фоиз харажатлар | 40 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | |
| **8.** | **Виночиликни ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **141 194,8** |
| | **Даромадлар прогнози** | **65 467,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Техник навли узум плантацияларини яратиш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун берилган қарзлар ҳамда тижорат банкларига кредит ажратиш учун берилган ресурслар бўйича ҳисобланган фоизлардан тушумлар | 23 719,6 |
| | Бошқа даромадлар | 41 747,8 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **138 500,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Техник навли узум плантацияларини яратиш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қарз бериш ҳамда тижорат банкларига кредит ажратиш учун ресурслар жойлаштириш | 100 000,0 |
| | Субсидиялар бериш | 30 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 8 500,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **68 162,2** |
| **9.** | **Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **214 183,2** |
| | **Даромадлар прогнози** | **1 366 261,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловдан тушумлар | 985 238,1 |
| | Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун давлат божидан тушумлар | 108 762,0 |
| | Республикада ўрнатилган автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун ундирилган жарималардан тушумлар | 249 930,8 |
| | Бошқа даромадлар | 22 330,4 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **1 397 636,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга оид вазифаларни ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт тизимларини шакллантириш, ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш | 165 022,9 |
| | Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, унинг ўқитувчилари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш учун харажатлар | 9 108,7 |
| | Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига ажратмалар | 1 730,9 |
| | Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар | 4 661,8 |
| | «Киберхавфсизлик маркази» ДУК фаолиятини молиялаштириш | 68 180,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 507 263,1 |
| | «Хавфсиз шаҳар» ягона интеграциялашган тизимларини яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар | 249 930,8 |
| | Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар | 164 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 227 738,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **182 808,3** |
| **10.** | **Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **15 712,0** |
| | **Даромадлар прогнози** | **297 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жойлаштириш воситаларидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушумлар | 200 000,0 |
| | Жалб этиладиган кредитлар | 60 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 37 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **137 000,0** |
| | **Харажатлар** | **390 895,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш | 55 000,0 |
| | Хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун харажатлар | 55 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 107 390,0 |
| | Янги меҳмонхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш | 100 000,0 |
| | Туроператорлар томонидан туристик оқим паст бўлган хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ҳар бир турист учун субсидиялар ажратиш | 6 000,0 |
| | Туроператорлар ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Самарқанд, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларига амалга оширган чартер авиақатновлари бўйича ҳар бир хорижий турист учун субсидия ажратиш | 8 000,0 |
| | Туристик (меҳмонхона) йиғимдан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармасига ўтказиладиган маблағлар | 26 850,0 |
| | Театрлаштирилган томоша ва концерт дастурларини ташкил этиш учун Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказмалар | 2 000,0 |
| | «Юлдуз билан саёҳат» лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказмалар | 4 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 26 655,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **58 817,0** |
| **11.** | **Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **1 029 872,5** |
| | **Даромадлар прогнози** | **717 467,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан давлат кафолатлари берилганлиги учун ундириладиган мукофот пули | 32 558,3 |
| | Вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилишдан тушумлар | 78 109,6 |
| | Халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни депозитга жойлаштириш, кредит линиялари очиш ва бюджет ссудаларини ажратишдан фоиз тарзида тўланадиган даромадлардан олинган фойда солиғи миқдорида республика бюджетидан ажратма | 46 965,9 |
| | Халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан жалб қилинган қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари депозитига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар | 209 833,5 |
| | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг прогноздан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи миқдорида ажратма | 150 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 200 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **697 471,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шарти билан қарз тўловларини амалга ошириш | 681 489,2 |
| | Бошқа харажатлар | 15 982,3 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **1 049 868,3** |
| **12.** | **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **205 086,2** |
| | **Даромадлар прогнози** | **61 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Тижорат банкларига имтиёзли асосда кредитлар ажратиш учун берилган ресурсларнинг қайтиши ва ҳисобланган фоиздан келиб тушадиган даромадлар | 60 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 1 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **204 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш | 50 000,0 |
| | Ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига кўмаклашиш | 3 000,0 |
| | Хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларга ва тадбиркорлик субъектларига грант маблағларини ажратиш | 30 000,0 |
| | Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича ўтказиладиган халқаро тадбирларни ташкил этиш ва Ўзбекистон делегациясининг халқаро тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларини қоплашга кўмаклашиш | 7 000,0 |
| | Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, унинг ҳудудий бўлинмаларини (филиалларини) сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларда ташкил этилган ўқув курсларининг мутахассисларига соатбай ҳақ тўлаш | 20 000,0 |
| | Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 9 000,0 |
| | Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни турар-жой билан таъминлашда бошланғич бадалини тўлаб бериш | 30 000,0 |
| | Хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ташкил этиш учун ресурслар ажратиш ҳамда шундай фаолият учун имтиёзли кредитлар ажратиш | 50 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 5 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **62 086,2** |
| **13.** | **Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **3 326 027,3** |
| | **Даромадлар прогнози** | **11 803 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Давлат активларини (корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни) реализация қилишдан тушган маблағлар | 11 790 000,0 |
| | Бошқа даромадлар | 13 000,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **11 803 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан бир йўла тўловлар | 1 213 000,0 |
| | Жамғарма тасарруфида қоладиган маблағлар | 180 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 110 000,0 |
| | **Давлат бюджетига трансфертлар** | 10 300 000,0 |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига | 10 000 000,0 |
| | Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига | 300 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **3 326 027,3** |
| **14.** | **Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **62 456,6** |
| | **Даромадлар прогнози** | **4 000,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **3 959 226,3** |
| | *шу жумладан:* | |

(Давоми 4, 5, 6-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 3-бетларда).

| | | |
|---|---|---|
| | Республика бюджетидан | 920 599,2 |
| | Маҳаллий бюджетлардан | 3 038 627,1 |
| | **Харажатлар** | **3 982 312,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш | 3 942 463,5 |
| | Жамғарманинг ижро этувчи аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 39 849,1 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **43 370,4** |
| **15.** | **Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **3 287 711,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Таълим кредитини молиялаштириш учун тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағлар | 3 237 274,5 |
| | **Даромадлар прогнози** | **244 500,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **2 990 500,0** |
| | **Харажатлар*** | **350 000,0** |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **6 172 711,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Таълим кредитини молиялаштириш учун тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағлар | 6 172 711,2 |
| **16.** | **Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **240 715,8** |
| | **Даромадлар прогнози** | |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **7 351 661,1** |
| | **Харажатлар** | **7 351 661,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ва техника харид қилиш | 3 683 037,5 |
| | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлар | 3 261 994,8 |
| | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш | 370 755,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва унинг бош бошқармалари ҳамда Қўмита тузилмасидаги ташкилотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар | 35 873,8 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **240 715,8** |
| **17.** | **Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **118 212,5** |
| | **Даромадлар прогнози** | |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **1 371 320,5** |
| | **Харажатлар** | **1 461 320,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш | 1 461 320,5 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **28 212,5** |
| **18.** | **Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **128 544,7** |
| | **Даромадлар прогнози** | **75 710,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига патент божлари, йиғимлар ва солиқ тоифасига кирмайдиган бошқа тўловлардан келиб тушадиган маблағлардан тушумлар | 60 714,0 |
| | Бошқа даромадлар | 14 996,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **715 000,0** |
| | **Харажатлар** | **916 740,0** |
| | Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун харажатлар | 663 380,0 |
| | Янги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил қилиш ва қўшимча жиҳозлаш учун харажатлар | 84 700,0 |
| | Инновацион фаолият субъектларидаги объектларни қуриш ва жиҳозлаш учун харажатлар | 54 620,0 |
| | Ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш учун харажатлар | 20 655,0 |
| | Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатлари | 10 285,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар | 83 100,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **2 514,7** |
| **19.** | **Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **40 847,6** |
| | **Даромадлар прогнози** | **135 600,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **206 400,0** |
| | **Харажатлар** | **382 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Субсидиялар тўлаш | 362 000,0 |
| | *шу жумладан:* | |
| | Томорқа ер эгалари учун субсидиялар | 70 000,0 |
| | Қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидиялар | 18 000,0 |
| | «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси харажатларини қоплаш учун субсидиялар | 500,0 |
| | Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси харажатларини қоплаш учун субсидиялар | 500,0 |
| | Жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидиялар | 500,0 |
| | Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидиялар | 270 000,0 |
| | Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида ижарага олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун субсидиялар | 500,0 |
| | Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун субсидиялар | 500,0 |
| | «Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки ҳунар ўргатаётган (ёки ўргатмоқчи бўлган) усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун субсидиялар | 1 500,0 |
| | Бошқа харажатлар | 20 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **847,6** |
| **20.** | **Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **61 805,2** |
| | **Даромадлар прогнози** | **30 000,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **80 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Субсидиялар тўлаш | 50 000,0 |
| | Ссуда ажратиш | 30 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **11 805,2** |
| **21.** | **Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **586 542,1** |
| | **Даромадлар прогнози** | **1 607 204,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жарималар, дивидендлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ажратмалар | 421 622,3 |
| | Бошқа тушумлар | 1 118 607,7 |
| | Бўш турган пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар | 66 974,0 |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | |
| | **Харажатлар** | **1 219 650,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ижтимоий харажатлар | 1 179 650,9 |
| | Бошқа харажатлар | 40 000,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **974 095,2** |
| **22.** | **Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси** | |
| | **Йил бошига қолдиқ** | **49 799,7** |
| | **Даромадлар прогнози** | **100 000,0** |
| | **Давлат бюджетидан трансфертлар** | **530 000,0** |
| | **Харажатлар** | **530 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | «Спинал мушак атрофияси» ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш учун харажатлар | 151 200,0 |
| | Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун харажатлар | 40 000,0 |
| | Соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларига компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, дастурий таъминотларни харид қилиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун харажатлар | 50 000,0 |
| | Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар | 288 800,0 |
| | **Йил охирига кутилаётган қолдиқ** | **149 799,7** |
| **II.** | **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** | |
| | **Даромадлар прогнози** | 20 816 570,0 |
| | **Харажатлар** | 21 180 238,6 |

* Тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўртасида имзоланган депозит шартномасига мувофиқ таълим кредити учун ажратилган маблағлар келгусида ушбу Жамғармага қайтиши сабабли харажатларда акс эттирилмайди»;

5) **5-илованинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари**

*млн сўм*

| Т/р | Кўрсаткичлар | Сумма |
|---|---|---|
| **Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами** | | **265 381 789,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 183 343 955,3 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 34 997 214,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 14 289 961,1 |
| | давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар | 30 416 869,8 |
| | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар | 16 836 629,4 |
| | қайта тақсимланадиган маблағлар | 20 494 373,7 |
| **1.** | **Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** | **49 888 186,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 45 278 537,1 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 5 199 152,0 |
| | умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар | 1 311 000,0 |
| | Таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 235 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси маблағларини шакллантириш | 65 000,0 |
| | Хоразм вилояти Қўшкўпир ва Хонқа туманларидаги бошланғич синф ўқувчиларини таълим планшетлари билан таъминлаш учун харажатлар | 63 636,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун харажатлар | 62 079,0 |
| | умумтаълим мактабларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун харажатлар | 60 000,0 |
| | мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш учун харажатлар | 200 000,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар | 3 038 200,0 |
| | Ташаббусли бюджетлаштириш тадбирлари доирасида 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун харажатлар | 164 237,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 4 609 649,4 |
| **2.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** | **5 778 032,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 4 705 823,3 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 422 000,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | олий таълим муассасасида магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш учун харажатлар | 120 000,0 |
| | давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар | 250 000,0 |
| | давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойида яшайдиган талабалар учун давлат шеригига ажратиладиган субсидиялар | 50 000,0 |
| | «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар | 2 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 357 209,5 |
| | Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига трансфертлар | 715 000,0 |
| **3.** | **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | **4 751 177,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 825 791,6 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 517 589,0 |
| | болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар | 220 000,0 |
| | оналар ва чақалоқлар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун харажатлар | 224 765,0 |
| | болаларни ҳамда туғиш ёшидаги аёлларни, ҳомиладор аёлларни ва бола эмизувчи оналарни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш учун харажатлар | 160 000,0 |
| | онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш учун харажатлар | 151 250,0 |
| | гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаниши қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш учун харажатлар | 121 650,0 |
| | нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатлар | 92 851,0 |
| | эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини молиялаштириш учун харажатлар | 96 800,0 |
| | фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантириш учун харажатлар | 69 200,0 |
| | одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар | 57 348,0 |
| | 2 500 та окклюдерни харид қилиш учун харажатлар | 40 000,0 |
| | аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш учун харажатлар | 38 959,0 |
| | кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун харажатлар | 35 535,0 |
| | нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун харажатлар | 35 000,0 |
| | оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар («К» витамини, сурфактант ва бошқалар) билан таъминлаш учун харажатлар | 34 700,0 |
| | оториноларингология хизматини ривожлантириш учун харажатлар | 27 460,0 |
| | буйрак ва жигар трансплантацияси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш учун харажатлар | 25 400,0 |
| | қон компонентлари захирасини яратиш мақсадида қон билан ишлаш хизмати муассасаларини зарур миқдордаги гемоконтейнерлар билан таъминлаш учун харажатлар | 15 166,0 |
| | ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун харажатлар | 13 700,0 |
| | вирусли гепатитнинг «С» ва «В» турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш учун харажатлар | 22 380,0 |
| | болалар тиббиёт ва туғурук муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлари учун харажатлар | 8 800,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | Ташаббусли бюджетлаштириш тадбирлари доирасида 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун харажатлар | 26 625,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 395 385,5 |
| | Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига трансфертлар | 530 000,0 |
| | *шу жумладан:* | |
| | «спинал мушак атрофияси» ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш учун харажатлар | 130 000,0 |
| | иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун харажатлар | 50 000,0 |
| | соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларига компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, дастурий таъминотларни харид қилиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун харажатлар | 50 000,0 |
| | Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар | 300 000,0 |
| **4.** | **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги** | **1 005 382,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 886 163,2 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 149 500,0 |
| | болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун харажатлар | 7 500,0 |
| | давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш учун харажатлар | 105 000,0 |
| | миллий сериаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун республика миқёсида фаолият юритувчи телеканалларга ажратиладиган субсидиялар | 12 000,0 |
| | «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш учун харажатлар | 10 000,0 |
| | хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон ҳудудида кино ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар | 5 000,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | Самарқанд вилоятида оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар | 10 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 119 219,4 |
| **5.** | **Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги** | **1 509 109,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 026 709,9 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 728 100,0 |
| | Олимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш учун харажатлар | 228 000,0 |
| | Паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш учун харажатлар | 41 000,0 |
| | спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган тадбирлар учун харажатлар | 250 000,0 |
| | «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ўтказилган спорт мусобақаларида ғолиб бўлган ҳамда спорт инфратузилмаси ривожланмаган маҳаллаларда спорт майдончаларини барпо этиш учун харажатлар | 104 000,0 |
| | спорт мактаблари тиббиёт хоналарини замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва тикланиш воситалари билан жиҳозлаш, замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш ва харид қилиш, спорт мактаблари шуғулланувчиларини (терма жамоаларини) махсус спорт кийимлари (экипировкалар) билан таъминлаш харажатлари | 35 000,0 |
| | «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш учун харажатлар | 35 000,0 |
| | «Кураш» халқаро ассоциацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун харажатлар | 10 100,0 |

(Давоми 5, 6-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 3, 4-бетларда).

| | | |
|---|---|---|
| | Ўзбекистон футболини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 25 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 482 400,0 |
| **6.** | **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги** | **1 842 683,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 54 752,5 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 41 840,0 |
| | шаҳарсозлик норма ва қоидаларини ишлаб чиқиш учун харажатлар | 41 840,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 483 379,2 |
| | *шундан:* | |
| | иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун харажатлар | 267 500,0 |
| | бош режа, худудларнинг архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун харажатлар | 215 879,2 |
| | Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар | 1 304 551,5 |
| **7.** | **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** | **1 864 176,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 759 176,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 149 630,0 |
| | қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидиялар | 55 000,0 |
| | қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ҳамда тупроқ хариталарининг корректировкасини ўтказиш, шунингдек суғориладиган ерлар тупроғининг агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш, агрокимёвий картограммалар тузиш ва тупроқ (ерлар) мониторингини ўтказиш учун харажатлар | 85 000,0 |
| | пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга улар томонидан бевосита пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидиялар | 46 000,0 |
| | яйлов ерларида шахтали ва тик қудуқлар ҳамда насос станцияларини қуриш ва реконструкция қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар | 21 000,0 |
| | қоракўлчилик субъектларига экспорт қилинган қоракўл ва қоракўлча тери учун субсидиялар | 3 000,0 |
| | қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари томонидан етиштирилиб, сотилган маҳсулотлар учун субсидиялар | 200 000,0 |
| | уй ҳайвонларини вакцинация қилиш учун харажатлар | 120 000,0 |
| | чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар томонидан хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчки, она балиқ ва жўжаларни сотиб олиш харажатларини бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар | 95 000,0 |
| | чигиртка ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар | 25 000,0 |
| | қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хатловдан ўтказиш учун харажатлар | 31 000,0 |
| | республика ҳудудидаги гидрографик объектларни рақамлаштириш ва электрон хариталарни яратиш учун харажатлар | 14 000,0 |
| | тут парвонасига қарши курашиш тадбирлари учун харажатлар | 16 000,0 |
| | Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини лазерли қурилмага эга текислаш агрегатлар билан ер текислаш харажатлари учун субсидиялар | 10 700,0 |
| | бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар | 1 000,0 |
| | лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун харажатлар | 500,0 |
| | тупроқдаги гумус миқдорини ошириш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар | 88 200,0 |
| | экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар | 10 000,0 |
| | қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш учун ажратилган грант маблағлар ҳисобидан харажатлар | 178 230,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | пахта ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун субсидиялар | 150 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар | 105 000,0 |
| **8.** | **Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги** | **10 177 786,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 8 419 051,1 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 7 084 900,0 |
| | пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар | 70 000,0 |
| | Амударё дарёсининг Тахиатош гидроузели юқори бьефидаги лойқа чўкиндиларни земснарядлар ёрдамида тозалаш ишларини ташкил этиш учун харажатлар | 14 900,0 |
| | сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли бўйича харажатларни қоплаш учун харажатлар | 7 000 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 758 735,2 |
| **9.** | **Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги** | **333 765,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 177 872,3 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 68 000,0 |
| | қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун ажратилган маблағлар | 68 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 155 893,5 |
| **10.** | **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги** | **6 738 797,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 265 612,4 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 59 700,0 |
| | авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун чипта нархининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар | 34 000,0 |
| | темир йўл транспортида ташувчилар ва авиаташувчилар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи пенсионерлар, нафақа олувчилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга 50 фоизлик имтиёз билан сотилган чипталар зарарини қоплаш учун субсидиялар | 20 000,0 |
| | Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича кўрилган зарарларни қоплаш учун субсидиялар | 5 700,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 365 486,7 |
| | Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига трансфертлар | 6 045 698,2 |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **62 000,0** |
| | «Тошкент метрополитени» ДУК томонидан аҳолига хавфсиз хизмат кўрсатилишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар | 62 000,0 |
| **11.** | **Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги** | **826 658,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 639 742,2 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 341 900,0 |
| | ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрларини юритиш учун харажатлар | 7 500,0 |
| | чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, тупроқнинг сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонларини (иҳота) барпо этиш учун харажатлар | 40 000,0 |
| | «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатлар | 100 000,0 |
| | инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирган харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун харажатлар | 20 000,0 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар | 174 400,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 49 916,4 |
| | Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига трансфертлар | 137 000,0 |
| **12.** | **Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги** | **896 966,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 887 444,6 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 850 000,0 |
| | геология - қидирув ишларига субсидиялар | 850 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 9 521,8 |
| **13.** | **Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** | **10 552,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 10 552,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **14.** | **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги** | **10 531,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 10 531,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **15.** | **Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** | **1 099 341,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 488 705,6 |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 432 228,4 |
| | Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 432 228,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига трансфертлар | 264 236,4 |
| | Жамоат ишлари жамғармасига трансфертлар | 140 000,0 |
| | Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига трансфертлар | 206 400,0 |
| **16.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги** | **231 833,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 211 833,3 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 8 000,0 |
| | аҳолини рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун харажатлар | 8 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 20 000,0 |
| **17.** | **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги** | **759 271,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 624 311,9 |
| | шундан: | |
| | Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларини сақлаш учун харажатлар | 527 905,5 |
| | *шу жумладан:* | |
| | консуллик йиғимларидан шаклланадиган маблағлар* | 173 259,0 |
| | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари | 354 646,4 |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 22 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ҳамда чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар | 22 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 134 959,9 |
| **18.** | **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** | **917 419,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 917 419,2 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 759 775,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ҳамда чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар | 23 100,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар | 44 985,6 |
| | экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун харажатлар | 133 836,0 |
| | экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофотини тўлаш бўйича харажатларни компенсация қилиш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар | 704,6 |
| | Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар | 30 000,0 |
| | Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 527 148,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **19.** | **Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги** | **345 081,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 300 081,3 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 4 900,0 |
| | ёшларнинг халқаро IT сертификатларини олиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар | 3 900,0 |
| | «Обуна» ягона электрон платформаси орқали босма нашрларга обуна нархининг бир қисмини қайтариш (Cashback) учун харажатлар | 1 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 45 000,0 |
| **20.** | **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** | **239 581,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 222 581,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 17 000,0 |
| **21.** | **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** | **97 384 805,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 37 047 981,7 |
| | шундан: | |
| | аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар | 1 500 000,0 |
| | давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатлар | 15 947 908,3 |
| | бюджет тақчиллигини қоплаш ёки давлат дастурларини молиялаштириш учун жалб қилинган чет эл валютасидаги маблағларнинг валюта хатарларини бошқариш мақсадида амалга ошириладиган хеджирлаш операцияларига оид харажатлар | 59 649,5 |
| | бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан молиялаштириладиган ижтимоий харажатлар | 203 314,1 |
| | Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни ҳамда пахта хом-ашёсини машинада териш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган маблағлар | 826 558,0 |
| | қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга ажратилган лизинг ёки кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун харажатлар | 66 000,0 |
| | «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖнинг маблағларини шакллантириш | 300 000,0 |
| | Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 516 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг тузилмасидаги ташкилотларнинг жорий ва бошқа харажатлари | 2 053 551,8 |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 15 575 000,0 |
| | ички бозорда табиий газни улгуржи сотиб олиш ва сотиш бўйича ихтисослаштирилган компания зарарларини қоплаш ва жорий фаолиятини молиялаштириш учун харажатлар | 9 500 000,0 |
| | электр энергиясини харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовутни молиялаштириш учун харажатлар | 2 500 000,0 |
| | «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ устав капиталини шакллантириш учун ажратилган маблағлар | 1 000 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш учун харажатлар | 65 000,0 |
| | банкларнинг устав капиталини ошириш билан боғлиқ харажатлар | 2 510 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 3 198 836,8 |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | |
| | эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун харажатлар | 1 495 000,0 |
| | давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш учун харажатлар | 200 000,0 |
| | «Янги Ўзбекистон» массивларида барпо этиладиган инфратузилма объектлари учун харажатлар | 800 000,0 |
| | туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмасини яхшилаш учун харажатлар | 322 000,0 |
| | келгуси йиллар учун лойиҳалаш-қидирув ишлари учун харажатлар | 115 040,0 |
| | кредитор қарздорликлар ва бошқа харажатлар | 245 196,8 |
| | **бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар** | **15 981 584,5** |
| | **Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига трансфертлар** | **3 040 500,0** |
| | **Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига трансфертлар** | **846 899,2** |
| | **Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар** | **16 836 629,4** |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **20 432 373,7** |
| | ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшимча ажратилиши кўзда тутилган маблағлар | 419 017,8 |
| | маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун ажратилган маблағлар | 300 000,0 |
| | иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар | 11 985 103,3 |
| | бюджет ташкилотлари ходимларига ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар | 850 000,0 |
| | хусусий секторда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаш билан боғлиқ харажатлар | 100 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мақсадли харажатлар | 3 500 000,0 |
| | маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун харажатлар | 1 344 000,0 |
| | ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш учун харажатлар | 300 000,0 |
| | мунтазам автобус йўналишларида йўловчи ташишни брутто-шартнома асосида молиялаштириш учун маблағлар | 470 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган, келгусида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан сўндириладиган қарзлар (кредитлар) ҳамда грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи тўловлари билан боғлиқ харажатлар | 142 903,5 |

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 3, 4, 5-бетларда).

| | | |
|---|---|---|
| | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 50 000,0 |
| | қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун харажатлар | 100 000,0 |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун жалб этилган кредитлар фоиз тўловининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар | 42 000,0 |
| | мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларнинг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар | 5 000,0 |
| | қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг ҳосилни суғурталаш харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар | 31 500,0 |
| | қишлоқ хўжалиги техникалари ва лазерли текислаш ускуналари ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилишда техника қийматини қисман қоплаб бериш учун субсидиялар | 44 000,0 |
| | маҳалладаги иш фаолиятида юқори самарадорликка эришган ҳудудий хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш марказлари ходимлари ва ёшлар етакчиларини моддий рағбатлантириш учун ажратилган маблағлар | 188 849,2 |
| | давлат космик мониторингини амалга ошириш дастури учун харажатлар | 50 000,0 |
| | танлаб олинган туман ва шаҳарларда драйвер лойиҳаларни амалга ошириш учун инфратузилмани яхшилаш билан боғлиқ харажатлар | 500 000,0 |
| | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги саноатни ривожлантириш лойиҳа офиси томонидан амалга ошириладиган вазифа ва функцияларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар | 10 000,0 |
| **22.** | **Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси** | **157 348,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 157 348,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **23.** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** | **2 663 831,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 063 831,0 |
| | шундан: | |
| | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағларини шакллантириш | 1 424 800,0 |
| | *шу жумладан:* | |
| | Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ҳамда чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларни қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар | 300 000,0 |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 170 000,0 |
| | Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 170 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармасига трансфертлар | 600 000,0 |
| **24.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** | **1 624 880,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 307 748,8 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 20 000,0 |
| | Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 20 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 317 132,0 |
| **25.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати** | **105 100,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 105 100,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **26.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси** | **147 955,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 147 955,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **27.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)** | **15 988,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 15 988,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **28.** | **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси** | **2 179 596,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 016 964,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 162 632,7 |
| **29.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий суди** | **1 560 176,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 511 177,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 48 998,8 |
| **30.** | **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди** | **11 494,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 11 494,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **31.** | **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши** | **45 045,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 45 045,6 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **32.** | **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси** | **28 887,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 28 276,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 611,2 |
| **33.** | **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** | **555 893,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 522 393,5 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 33 500,0 |
| **34.** | **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги** | **35 246,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 35 246,6 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **35.** | **Республика Маънавият ва маърифат маркази** | **67 546,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 67 546,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 45 000,0 |
| | Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига бюджетдан ажратиладиган маблағлар | 45 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **36.** | **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази** | **14 305,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 14 305,5 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **37.** | **Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши** | **325 000,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 325 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **38.** | **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси** | **417 380,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 368 760,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 48 620,2 |
| **39.** | **Ўзбекистон Бадиий академияси** | **137 842,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 137 842,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **40.** | **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** | **30 463,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 30 463,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **41.** | **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси** | **105 838,7** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 105 838,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **42.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** | **577 765,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 77 765,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | «Эл-юрт умиди» жамғармасига трансфертлар | 500 000,0 |
| **43.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги** | **18 311,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 18 311,5 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **44.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)** | **2 049,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 049,6 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **45.** | **«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси** | **707,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 707,9 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **46.** | **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** | **8 459,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 8 459,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **47.** | **Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги** | **7 719,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 7 719,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **48.** | **Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси** | **54 944,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 40 407,5 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 14 537,0 |
| **49.** | **Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги** | **202 965,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 160 098,1 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 111 000,0 |
| | маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатлар | 105 000,0 |
| | давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар | 6 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 42 867,1 |
| **50.** | **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги** | **526 031,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 526 031,8 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 200 000,0 |
| | 2026 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш учун харажатлар | 30 000,0 |
| | ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни кенгайтириш ва ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидиялар учун маблағлар | 120 000,0 |
| | «Заковат» интеллектуал клуби харажатлари | 50 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **51.** | **Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси** | **42 728,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 42 728,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **52.** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги** | **58 221,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 58 221,5 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 37 000,0 |
| | эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш учун харажатлар | 37 000,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **53.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги** | **18 667 942,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 18 523 712,8 |
| | шундан: | |
| | кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган маблағлар | 8 332 145,0 |
| | ногиронлиги бўлган болаларга нафақаларни тўлаш учун ажратиладиган маблағлар | 3 662 311,8 |
| | меҳнатга лаёқатсиз ва зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналарга нафақаларни тўлаш учун ажратиладиган маблағлар | 2 526 642,5 |
| | бола туғилиши учун бериладиган нафақалар (суюнчи пули) тўлаш учун ажратиладиган маблағлар | 382 394,5 |
| | дафн маросими харажатларини қоплаш учун ажратиладиган маблағлар | 246 723,7 |
| | ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш учун харажатлар | 70 029,7 |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлаш харажатлари | 20 565,2 |
| | етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун харажатлар | 140 063,6 |
| | ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида моддий ёрдам | 27 482,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 144 230,1 |
| **54.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** | **1 198 272,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 197 766,0 |
| | шундан: | |
| | маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолиятини молиялаштириш учун маблағлар | 854 752,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 506,0 |
| **55.** | **Бошқа ташкилотлар** | **47 174 708,9** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 45 900 976,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 273 732,7 |

* Ушбу маблағлар манбаси консуллик йиғимларидан шаклланганлиги сабабли бюджет тизими бюджетлари харажатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига киритилмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 24 декабрь
№ ЎРҚ—1012

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.55 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6